

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР  
ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ РЎД 40/30.12.2020.Т.12901 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**БОБОЕВ АЗИЗЖОН АЗИМЖОНОВИЧ**

**ТОҒ-КОН САНОАТИ СОҲАСИДА ПРОФЕССИОНАЛ ХАВФЛАРНИ  
МОНИТОРИНГ ВА БАҲОЛАШ МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ  
ЧИҚИШ**

**05.10.02 - “Фавқулодда ҳолатларда хавфсизлик. Ёнғин, саноат, ядро ва радиация  
хавфсизлиги”**

**11.00.05 - “Атроф - муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона  
фойдаланиш”**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) Диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2022**

УЎК.504.064.36: 504.064.2.001.18:

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) Диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the of doctor of philosophy (PhD) on  
technical sciences**

**Бобоев Азизжон Азимжонович**

Тоғ-кон саноати соҳасида профессионал хавфларни мониторинг ва  
баҳолаш методологиясини ишлаб чиқиш.....5

**Бобоев Азизжон Азимжонович**

Разработка методологии мониторинга и оценки профессиональных  
рисков на горно - рудной промышленности.....21

**Boboyev Azizjon Azimjonovich**

Development of methodology for monitoring and assessment of  
occupational risks in the mining industry.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works .....41

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР  
ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ РЎД 40/30.12.2020.Т.12901 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**БОБОЕВ АЗИЗЖОН АЗИМЖОНОВИЧ**

**ТОҒ-КОН САНОАТИ СОҲАСИДА ПРОФЕССИОНАЛ ХАВФЛАРНИ  
МОНИТОРИНГ ВА БАҲОЛАШ МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ  
ЧИҚИШ**

**05.10.02 - “Фавқулодда ҳолатларда хавфсизлик. Ёнгин, саноат, ядро ва радиация  
хавфсизлиги” (Техника фанлари)**

**11.00.05 - “Атроф - муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона  
фойдаланиш” (Техника фанлари)**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) Диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) Диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2. PhD/T1242 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Навоий давлат кончилик ва технологиялар университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб - саҳифасида ([www.akademiyafovv.uz](http://www.akademiyafovv.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбарлар:**

**Мусаев Маруфджан Набиевич**  
техника фанлари номзоди, профессор.

**Тимофеева Светлана Семёновна**  
техника фанлари доктори, профессор.

**Расмий оппонентлар:**

**Мурадов Шухрат Одилович**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Сабиров Эркабой Эркинбаевич**  
техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент кимё - технология институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.40/30.12.2020.T.129.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашининг 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100102 Тошкент шаҳри, Янгиҳаёт тумани, Дўстлик кўчаси, 5-уй. (тел: (71) 258-35-33, факс (71) 258-56-57, E mail:info@akademiyafovv.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академиясининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (№\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган (Манзил: 100102 Тошкент шаҳри, Янгиҳаёт тумани, Дўстлик кўчаси, 5-уй. (тел: (71) 258-35-33, факс (71) 258-56-57, E-mail:info@akademiyafovv.uz):.info@akademiyafovv.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кун тарқатилди.

(2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ № \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Б.Т.Ибрагимов**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Х.М.Дўсматов**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш котиби, к.ф.н., доцент

**Р.И.Исмаилов**

Илмий даража берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

## **КИРИШ (диссертация аннотатсияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон миқёсида тоғ-кон саноати соҳасида содир бўлиши мумкин бўлган хавфлар ва фавқулдда вазиятларни, шунингдек, экологик ҳолатларни ўрганиш жараёнида дунёда экологик вазиятга оид расмий ҳисоботларда қончилик ва қайта ишлаш саноати корхоналарининг ишлаб чиқариш фаолияти натижасида ҳар йили атмосферага 40 миллион тоннадан ортиқ зарарли моддалар чиқарилиши, сув омборларига 2,2 миллиард куб метрга яқин оқова сувлар ташланиши, шунингдек, ер юзасида 7,5 миллиард тоннадан ортиқ турли хил хавфли қаттиқ чиқиндилар ҳажмининг ошиб бориши экологик ва радиацион муҳитга ўзининг салбий таъсирини ўтказиши аниқланган. Дунёда олтин ва таркибида уран бўлган маданларни қазиб олиш, қайта ишлаш профессионал ва экологик хавфли ишлаб чиқаришлардан ҳисобланган тоғ-кон саноати соҳасида профессионал хавфларни мониторинг ва баҳолаш методологиясини ишлаб чиқиш борасида кенг кўламли илмий-тадқиқот ишларини олиб боришга жиддий зарурият туғилмоқда.

Ўзбекистонда халқаро стандартларнинг тобора ортиб бораётган талабларидан келиб чиқиб, халқаро корпорацияларга интеграциялашув вазифасини ўз олдига қўйиб, барқарор ривожланиш муаммоларини ҳал этишга, энг аввало, тоғ-кон саноатига катта эътибор қаратилмоқда. Фойдали қазилмаларни қазиб олиш ҳажмининг ошиши, тайёр маҳсулот таннархининг арзонлашиши ва экспорт қилинадиган маҳсулотларнинг йиллик ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши фонида ишлаб чиқариш ва атроф-муҳит мониторингини таъминлаш бўйича қатор махсус дастурлар қабул қилинди. Атмосфера ҳавосининг ифлосланиш жараёнларини моделлаштириш ёрдамида бир қатор муаммолар бартараф этилиб, шу билан бирга ташламаларни мўтадиллаштиришни бошқариш чораларини кўриш учун реал вақт режимида аниқ саноат объектининг ифлосланиш даражасини аниқлаш, хавфларни мониторинг ва баҳолаш катта аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 22 сентябрдаги “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ-410-сон Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 майдаги “Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида”ги 291 сон қарорида ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Маскур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг II. “Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик” ва IV. “Атроф - муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш” устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

**Муаммони ўрганилганлик даражаси.** Тоғ-кон саноати соҳасида профессионал хавфларни мониторинг қилиш ва баҳолаш методологиясини ишлаб чиқиш бўйича ўтказилган тадқиқотларга тегишли бўлган сўнгги йиллардаги илмий-техник адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, бу соҳада аҳамиятли даражада назарий ва амалий натижаларга эришилган. Профессионал хавфларни мониторинг қилиш ва баҳолаш соҳасининг ривожига кўплаб хорижий олимлар, жумладан, Рам Прасад Чоудҳарй, Мритунжой Сенгупта, Началве, Присса Селма Эттеиеб, Николай Качурин, Олуранти Агбоола, Неста Бортей-Сам, С.С.Тимофеева, Г.В.Аверин, А.Любимов, В.Ю.Волков, Ю.Д.Эделштейн, В.В.Бугровский, А.М. Погорелов, А.Б. Бизикин, З.Ф. Асқарова, М.В. Оводков, С.Н. Кузнецова, Ю.Н. Пушилина ва бошқалар ҳамда мамлакатимиз олимлари, жумладан, Мўминов Т.М., Кист А.А., Қулматов Р.А., Бакиев С.А., Мухамедов С.М., Артёмов В.С., Ҳайдаров Р.А., Саттаров Г.С., Қурбонов Б.И. ва бошқалар ўзларининг улкан ҳиссаларини кўшишган.

Шу билан бирга, адабиётларда тоғ-кон саноати корхоналарининг профессионал ва экологик ҳамда шахталардаги ёнғин - портлаш хавфларни баҳолаш мониторинги методологиясини ишлаб чиқишда, шунингдек, ер сирт қатлами ҳавосининг ифлосланишини мониторинг қилишнинг оддий, ишончли усуллари ишлаб чиқишда, олтин ва уран қазиб олишдаги ер ости сувларининг ифлосланиш эҳтимоллигига етарлича эътибор берилмаган.

Олтин ва уран конлари яратилаётган ва эксплуатация қилинадиган техник жиҳатдан такомиллаштирилган ҳудудларда атроф-муҳитдаги юкламани камайтиришда максимал самарадорликни таъминлаш учун куйидаги амалларни бажариш зарур: ҳар томонлама асосий ва амалий қидирув ишларини олиб бориш, хавфларни баҳолаш бўйича услубий ёндашувлар ҳамда уларни минималлаштиришга қаратилган ечимлар комплексини ишлаб чиқиш зарур ҳисобланади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ташкилотининг илмий - тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети илмий тадқиқот ишлари режаларининг № I - 2017 - 2 - 11 - “Олтин маданларини бойитиш учун оптоэлектроник интеллектуал лаборатория тадқиқот тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш” (2018 - 2020) мавзусидаги лойиҳаси ва Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети ҳамда Иркутск миллий техника университети ўртасида халқаро ҳамкорлик тўғрисидаги 2018 йил 24 апрелдаги меморандуми ҳамда Иркутск миллий техника университети ва И. Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети ўртасидаги 2018 йил 15 майда тузилган халқаро ҳамкорлик меморандуми доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** олтин ва уран қазиб олишдаги зарарли, хавфли, радиациявий ишлаб чиқариш омиллари таъсирида ишлайдиган тоғ-кон саноати ходимларининг экологик, профессионал хавфларини ҳамда ёнғин-портлаш хавфини баҳолаш ва бошқаришнинг назарий, илмий-услубий асосларини ривожлантириш, шунингдек, тоғ-кон саноатида профессионал

хавфларини мониторинг қилиш ва баҳолаш методологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

мамлакатимизнинг тоғ-кон саноатида маданларни қидиришдан тортиб то қазиб олиш ва қайта ишлашгача бўлган технологик жараёнларнинг турли босқичларида профессионал хавфларни баҳолаш усулларини танлаш, синовдан ўтказиш ва мослаштириш;

конларнинг технологик параметрлари ва геоэкологик шароитларига қараб атроф - муҳит ва ходимларнинг соғлигига экологик таъсирини қиёсий баҳолаш;

олтин ва радиацион уран маданларини қидириш билан шуғулланувчи ишчиларнинг ҳақиқий меҳнат шароитлари ва атроф-муҳитга таъсири қийматини баҳолаш;

саноат шароитида олтин ва уран ишлаб чиқаришда профессионал ва экологик хавфларни мониторинг қилишнинг математик моделларини ишлаб чиқиш;

фойдали қазилмаларни қазиб олиш ҳудудларида ҳаво, ер усти сувлари ва тупроқ зарарланишининг экологик хавфини камайтиришни баҳолаш учун математик моделни яратиш;

уранли техноген объектларда радиоэкологик омилларни аниқлаш усулларини ишлаб чиқиш;

махсус радиациявий хусусиятларга эга бўлган ишлаб чиқариш объектларининг ягона мониторинг схемасини яратиш;

тоғ-кон саноати корхоналарида профессионал ва экологик хавфларни ҳамда ёнғин - портлаш хавфини камайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида олтин ва уран қазиб олишдаги зарарли, хавfli ва радиациявий ишлаб чиқариш омиллари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** экологик ва профессионал хавфларини баҳолаш ва бошқаришнинг назарий, илмий-услубий асосларини ривожлантириш, тоғ-кон саноатида профессионал хавфларини мониторинг қилиш ва баҳолаш методологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида эмпирик тадқиқот, тизимли таҳлил, динамик баҳолаш, индукция, дедукция, абстракт - мантиқий, сценарий - башорат, статистик методлар, эксперт баҳолаш, математик статистика, физик - кимёвий методлар, экологик таҳлиллар, профессионал хавфларни баҳолаш, ҳаво ифлосланиши мониторинги усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

тоғ-кон саноатидаги махсус радиациявий хоссаларга эга бўлган ишлаб чиқариш объектларидаги ишчи ходимларнинг хавфларини назорат қилувчи ягона марказлашган мониторинг схемаси ҳамда экологик хавфларни камайтириш учун дастур ва имитацион модел ишлаб чиқилган;

илк маротаба илмий натижалар асосида, тоғ-кон саноатида содир бўлиши мумкин бўлган хавфларни олдини олиш бўйича замонавий

ёндашувлар ва тоғ-кон саноати объектларида профессионал хавфларни баҳолашнинг энг самарали методологияси илмий ва назарий жиҳатдан асослантирилган;

тоғ-кон саноати объектларида ёнгин - портлаш эхтимоли юқори бўлган хавфлар баҳоланди ҳамда фойдали қазилмаларни қазиб олиш ҳудудларида ер усти сувлари, ҳаво ва тупроқ ифлосланишининг экологик хавфини камайтиришни баҳолаш бўйича математик моделлар яратилган;

тоғ-кон саноати корхоналарининг ёнгин ва портлаш хавфини баҳолашнинг самарали механизми ишлаб чиқилган ва ишчи ходимларга таъсир қилувчи энг хавфли ишлаб чиқариш радиацион омиллари йиллик эффектив доза қувватининг таъсирини 8-10% гача камайтириш имконияти яратилган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари.**

Ўзбекистон Республикаси тоғ-кон соҳасида ишлайдиган ишчи ходимларнинг профессионал хавфларини баҳолаш методологияси такомиллаштирилган ва радиацион муҳитда ишлайдиган ишчиларнинг йиллик эффектив доза қувватлари камайтириш имкониятлари яратилган.

тоғ-кон саноати ҳудудларида ер усти сувлари, ҳаво ва тупроқ ифлосланишининг экологик хавфини камайтиришни баҳолаш учун бир қатор математик моделлар яратилган ҳамда экологик хавфларни камайтириш учун махсус дастур ва имитацион модел ишлаб чиқилган;

сув сифатини мониторинг қилиш натижаларига кўра, сувда оғир металлар мавжудлиги аниқланган ва прогнозлар натижасида кўрғошин ва кадмийнинг канцероген хавфи белгиланган қийматдан юқори эканлиги ўз исботини топган ва жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан қабул қилинган норма ( $10^{-5}$ ) дан юқори эканлиги илмий жиҳатдан асосланган.

#### **Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.**

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги унинг замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, статистик усулларининг қўлланганлиги ва олинган натижаларни бошқа тажрибалар натижалари билан солиштириш орқали асосланганлиги, назарий ва экспериментал тадқиқотларнинг ўзаро мутаносиблиги ҳамда тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти радиацион муҳитни прогноз қилиш сифатини оширишга имкон берувчи тоғ-кон саноати корхоналари атрофидаги ҳудудларнинг зарарли моддалар билан ифлосланиш механизми ва қонуниятларини аниқлаш, профессионал ва экологик хавфларни мониторинг қилиш, тоғ-кон саноати шахталаридаги ёнгин-портлаш хавфини баҳолаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тоғ-кон саноатидаги махсус радиациявий хоссаларга эга ишлаб чиқариш объектларининг фаолиятида хавфларни назорат қилувчи ягона марказлашган схема ва тоғ-кон саноати корхоналарида профессионал ва экологик хавфларни камайтириш учун махсус дастур ва имитацион модел ишлаб чиқилганлиги, тоғ-кон



саноати ҳудудларида ер усти сувлари, ҳаво ва тупроқ ифлосланишининг экологик хавфини камайтиришни баҳолаш учун бир қатор математик моделлар яратилганлиги, тоғ-кон саноати корхоналарида экологик хавфларни камайтириш учун махсус дастур ва имитацион модел ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тоғ-кон саноати соҳасида профессионал ва экологик хавфларни мониторинг ва баҳолаш методологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

олтин ва уран ишлаб чиқариш жараёнларида банд бўлганларнинг меҳнат шароитлари баҳоланиб, тоғ-кон саноати ходимлари учун ишлаб чиқариш хавфли омиллари аниқланган ва саноат шароитида ишлаб чиқилган олтин ва уран ишлаб чиқариш жараёнларида профессионал ва экологик хатарларни мониторинг қилишнинг математик моделлари Навоий кон - металлургия комбинати “Геология қидирув экспедицияси”да жорий қилинган (“НКМК” давлат корхонасининг 2021 йил 9 сентябрдаги № 02 - 06 - 07/9275 - сон маълумотномаси). Натижада, ишчи ходимларга таъсир қилувчи энг хавфли ишлаб чиқариш радиацион омиллари йиллик эффектив доза кувватининг таъсирини 8 - 10% гача камайтириш имкониятини берган;

ишлаб чиқилган шахсий ва экологик хавфлар катталиги таъсирини реал шароит билан ронжировкаланган математик моделлари ва саноат ишлаб чиқариш ҳудудидаги ҳаво атмосферасининг, ер усти сувлари ва тупроқнинг ифлосланиши экологик хавфини камайтиришни баҳолашнинг математик моделлари “1 - СОН ГМЗ” Кон бошқармасида жорий қилинган. (“НКМК” давлат корхонасининг 2021 йил 9 сентябри № 02 - 06 - 07/9275 - сон маълумотномаси). Натижада, радиацион омилларнинг динамик ўзгаришлари ёрдамида объектларни тавсифлашнинг ягона схемаси алгоритмик моделлари ишончилигини ошириш, шу билан бирга профессионал хавфлар катталикларини баҳолаш ва уларнинг реал вақт ичида ўзгаришларини кузатиш асосида комплекс башоратлаш имконияти яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.**

Тадқиқотнинг назарий ва амалий натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика илмий - амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.**

Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш, шулардан 5 таси хорижий журналларда, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестасия комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола нашр этилиб, 3 та халқаро ва 4 та республика илмий - амалий анжуманлари тўпламларида чоп этилган, шунингдек, ЭҲМ лар учун дастурий маҳсулотларга Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигидан рўйхатдан ўтган 4 та гувоҳнома олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, шартли белгилар ва атамалар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** мавзунинг долзарблиги ҳамда зарурати асосланган бўлиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети, ўрганилганлик даражаси ва тадқиқот усуллари, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, шунингдек, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги, чоп этилган илмий ишлар диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича тахлилий маълумотлар келтирилган.

**Диссертациянинг “Ўзбекистон тоғ-кон саноатининг замонавий ҳолатини таҳлил қилиш ва унинг атроф муҳитга таъсири”** деб номланган биринчи бобида тоғ-кон саноати ривожланишининг замонавий ҳолати ва асосий тенденциялари, фойдали қазилмаларни қазиб олиш жойларида ёнғин - портлаш хавфсизлиги, экологик ва радиоэкологик вазият ҳолати, кон - металлургия комбинатлари ишлаб чиқариш ҳудудларидаги радиация шароитлари омиллари, тоғ-кон саноатининг турли касб - ҳунар корхоналари ходимларига таъсири, ҳамда олтин қазиб олиш ҳудудларида аҳоли саломатлиги учун экологик хавф-хатарлари таҳлил қилинди. Тўпланган манбалар асосида тоғ-кон саноати соҳасида профессионал хавфларни мониторинг қилиш ва баҳолаш методологиясини ишлаб чиқиш масалалари ўрганилди. Хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида тоғ-кон ҳудудларининг экологик ва радиоэкологик ҳолати тўғрисидаги маълумотлар таҳлил қилинди.

Турли хил иқтисодий фаолият ташкилотлари учун мос келадиган хатарларни баҳолашнинг самарали ва комплекс усулини яратиш мумкин эмас, стандартда тоғ-кон саноати ифлосланишининг ҳамда ёнғин хавфсизлиги учун математик моделларини қўллаш учун, умумий ёндашувлар ва универсал принциплар, алгоритмларни тақдим этиш кўрсатиб ўтилган ва ҳар бир ташкилот фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, хатарларни баҳолаш усуллари ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш борасида ҳам айрим муаммолар борлиги тадқиқотлар натижасида аниқланди.

Тоғ-кон саноати ер ости конлари атмосферасида портлаш хавфи ривожланишини тўлиқ таҳлил қилиш учун, портлаш хавфини баҳолашнинг назарий моделларини ишлаб чиқиш зарурияти сезилди. Моделлар муаммоларни ҳал қилиш учун математик таҳлил ёндашувлари комбинацияси билан портловчи диаграммасининг хусусиятларига асосланади. Диаграмма тўрт хил ҳудудга бўлинган бўлиб, улар аралашмайдиган ҳудуд, портловчи ҳудуд, портламайдиган ҳудуд (лекин кўпроқ ёнувчи моддалар ёки ҳаво қўшилса, портловчи бўлиши мумкин) ва бошқа портловчи бўлмаган ҳудуд сифатида келтирилган.

Сув сифатини мониторинг қилиш асосида сувдаги оғир металлларнинг концентрацияси аниқланди ва ичимлик учун сув ишлатилганда аҳоли саломатлиги учун канцероген ва канцероген бўлмаган хавф аниқланди.

Тадқиқот қилинаётган металллар учун канцероген хавф ЖССТ томонидан қабул қилинадиган қийматдан ошади ( $10^{-5}$ ). Бинобарин, уни камайтиришга қаратилган бошқарув қарорларини қабул қилиш имкониятлари пайдо бўлган.

1 - жадвал

### Ичимлик сувининг канцероген хавфи

Т/р	Модда	Сувдаги модданинг концентрацияси мг /л	Ичимлик сувини қабул қилиш мг/кг (кунига)	Канцероген потенциал омил (SFo), мг/кг (кунига)	Шахсий хавф
1	Қўрғошин	0,167	0,0018	0,047	$8,6 * 10^{-5}$
2	Кадмий	0,065	0,0007	0,38	$7,1 * 10^{-5}$

Сувдан фойдаланишда аҳоли фаровонлиги учун канцероген бўлмаган хавфнинг турли моддалар учун хавф кўрсаткичи қуйидаги формула бўйича аниқланди:

$$ND = TR / RgD \quad (1.1)$$

Бунда:  $ND$  - хавф кўрсаткичи;  $TR$  - моддани истеъмол қилишнинг ўртача кунлик улуши, мг/кг;  $RgD$  - нисбий (хавфсиз) доза, мг / кг.

2 - жадвал

### Металл миқдори бўлган ичимлик сувидан фойдаланишда хатар омиллари

Т/р	Модда	Нисбий хавфсиз доза, мг/кг	Хавфлилик коэффиценти
1	Мис	0,019	23,7
2	Кадмий	0,0005	9.1
3	Темир	0.3	7.5
4	Қўрғошин	0,0035	1.8
5	Никел	0,02	1.5
6	Рух	0.3	0,8

Кимёвий моддаларни оғиз орқали тушишнинг ўртача суткалик доза қуйидаги формула бўйича ҳисобланди:

$$Z = (Wc * V * FE * DE) / (WB * TA * 365) \quad (1.2)$$

Бунда:  $Z$  - ичимлик сувига тушиши, мг/(кг/кун);  $Wc$  - сувдаги модданинг концентрацияси, мг/л;  $V$  - сув истеъмоли ҳажми, л/кун;  $FE$  - таъсир частотаси, кун / йил;  $DE$  - таъсир қилиш муддати, йиллар;  $WB$  - тана вазни, мг/кг;  $TA$  - таъсир қилишнинг ўртача вақти, йиллар.

Оғиз орқали қабул қилиш учун ҳисобланган хавфли омилларнинг энг юқори қийматлари мис, кадмий, темир учун характерлидир, бу ифлосланган сувни истеъмол қиладиган аҳоли учун юқори канцероген бўлмаган хавфни кўрсатиши ўрганилди.

**“Тоғ-кон саноати экологик ва радиоэкологик омилларининг ҳолатини аниқлаш ва баҳолашнинг экспериментал асослари”** деб номланган диссертациянинг иккинчи боби олтин ва радиацион уран маданларини қидириш билан шуғулланувчи ишчиларнинг ҳақиқий меҳнат шароитлари ва атроф - муҳитга таъсир қийматини баҳолашга ҳамда ер ости шахталарида ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг муҳандислик тизимларига бағишланган. Олтин ва радиацион уран маданларини қидириш билан шуғулланувчи ходимларнинг меҳнат шароитлари ва атроф-муҳитга таъсири миқдорининг назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқилган, ходимларнинг профессионал таваккалчиликлари НКМҚда қазиб олиш

саноати ишларида банд бўлган ходимларнинг профессионал таваккалчиликлари баҳоланган, олтин ва уран ишлаб чиқариш жараёнларида профессионал ва экологик хавфларни мониторинг қилиш учун математик моделлар ишлаб чиқилган, радиацион омилларнинг техноген катталиклар ходимлари ва уларнинг атроф-муҳитга таъсири ўрганилиб, ишлаб чиқариш чиқиндилари ва сув ўсимликларининг радиометрик таҳлиллари олиб борилган.


Дастлабки маълумотлар сифатида Мурунтау конидаги очик карьерда ишлаётган бўлинмалар учун тузилган иш жойларини аттестациядан ўтказиш материалларидан фойдаланилган. Тоғ-кон ходимларининг меҳнат шароитидаги ҳаёт доимийлиги даври сифатида, яъни бульдозер, юк машиналари ҳайдовчилари, бурғулаш агрегати, экскаватор, насос агрегати ҳайдовчилари кўриб ўтилган. 1 - расмда олтин сақловчи маданларни қазиб олишнинг асосий технологик операциялари келтирилган.

Технологик жараёнларни амалга оширишни таъминлайдиган ходимларга иш муҳитининг ноқулай омиллари кимёвий, физик ва психофизиологик жиҳатдан келиб чиқадиган иш юкламалари таъсир кўрсатади. Иш жойининг ҳавосига зарарли газларнинг ажралиши, портлатиш ишлари ишлайдиган транспорт воситалари газларидан келиб тушади. Тоғ жинсларини ташиш билан шуғулланадиган ходимларда шовқин, инфратовуш, умумий тебраниш каби жисмоний омилларнинг таъсирига биргаликда дучор бўладилар ва натижада сезиларли стресслар пайдо бўлади.



**1 - расм. Очик конларда олтин қазиб олишнинг технологик жараёни схемаси.**

Ушбу омиллардан келиб чиққан ҳолда, очик тоғ-конларида олтин сақловчи маданни қазиб олиш технологик жараёнларининг ҳар бир босқичида ишчилар учун профессионал хавфлар икки усулдан фойдаланган ҳолда ҳисоблаб чиқилишига эришилди. Биринчиси Файна Кинни усули бўйича (2 - расм), ҳамда иккинчиси хавфнинг умумлаштирилган даражаси (баллаш усули) бўйича (3 - расм).




2 - расм. Таркибиди олтин сақловчи маданларни очик усулда қазиб олиш технологик жараёни босқичларининг хавф даражалари тажриба натижалари.



3 - расм. Профессional хавфнинг умумлаштирилган даражаси буйича очик тоғ-кон қазитиш худуди учун ишчи касблар хавфини аниқлаш синов натижалари.

Юқоридаги тахлилий маълумотлардан кўриниб турибдики, олтинли маданларни очик усулда қазиб олишнинг энг хавфли босқичи маданни ташитиш жараёни, энг хавфи кам жараён - кудукларни зарядлаш ва портлатишдир. Ушбу икки босқичда хавф кўрсаткичлари ўртача даражадан паст бўлади. Маданларни қазиб олишда ўртача хавф даражаси 7,17 балли ташкил этади, бу чанг омилларидан ташқари барча зарарли ва хавфли омиллар учун мақбул даражадир. Шундай қилиб, ишларни баҳолаш ишчиларнинг жараёни босқичларининг хавф даражалари буйича рейтинги самарадорлик натижаларига асосланган ҳолда (балли усул) ва Файна Кинни усули асосида амалга оширилган хатарларни ҳисоблаш, ходимлар учун профессионал хавфларнинг юқори ва ўрта тоифага кирганлигини ва уларни минималлаштириш буйича ташкилий ва техник тадбирларни амалга ошириш зарурлигини кўрсатди. Техник чора - тадбирлар қаторида, биринчи навбатда, асбоб - ускуналар ва карьер ускуналарининг жорий ишлашини, шу жумладан, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлашни мажбурий назорат қилиш, тоғ-кон транспорт комплексларини бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимларини жорий этиш зарурлиги аниқланди.

Конларнинг ҳажмида газ алмашинуви куйидаги учта газ тоифасидан иборат. Булар метан оқими, инерт газ ( $N_2$ ) оқими ва тоза ҳаво оқими. 4-расмда муҳрланган (герметикланган) ҳажм ва унинг атрофидаги масса алмашинуви кўрсатилган. Буларнинг барчасини портлаш диаграммасидан фойланилган ҳолда ифодалаш мумкин. 5 расмда ҳолат нуқтасининг йўналишлари ёнувчан газ, кўпроқ ҳаво ёки кўпроқ инерт газ қўшилиши билан силжиши мумкинлиги кўрсатилган. Ҳаво ўтказмайдиган атмосферани ифодаловчи нуқта ҳозирги ҳолат нуқтасини 100% ёнувчанлик нуқтаси билан боғлайдиган чизик буйлаб ҳаракатланади. Агар ёнувчи газни қўшиш ёки олиб ташлаш ўрнига ёнувчи газ ва инерт газ ўртасидаги доимий нисбатни сақлаб турган ҳолда ёпиқ атмосферага ҳаво қўшилса, нуқта жорий ҳолат нуқтасидан оддий тоза ҳаво нуқтасига ўтиши мумкинлиги аниқланди.



Ишчи худудларидаги радоннинг мувозанатдаги ҳажмий активлигига эквивалент қийматини “Alfarad plyus” ўлчов асбобида тадқиқ қилинди. Сувда йиғинди алфа, бетта активлик, изотоп таҳлиллар асосида аниқланса, тупроқда эквивалент доза қуввати, солиштирма альфа активлик, бетта активликлар аниқланади ва бу қийматлар асосида йиллик эффектив доза ҳисобланади. Санитар қоидалари ва меъёрлари СанҚваМ 0193 - 06 меъёрларига мувофик максимал йиллик эффектив доза аҳоли учун 1,0 мЗв/йил, Б ва А категорияда ишловчи ишчи - ходимлар учун 5,0 мЗв/йил ва 20 мЗв/йил чегарасида белгиланган. Барча радиоактив омилларнинг йиллик эффектив дозаси қуйидаги таркибий қисмлари аниқланиши мазкур формула асосида ҳисоблаб чиқилди.

$$\sum E = E_1 + E_2 + E_3 + E_4 + E_5 \quad (2.1)$$

бунда  $E_1$  - гамма нурланишининг йиллик самарали дозаси

$$\sum E = 6,18 \cdot 10^{-6} (R_\gamma - R_f) \cdot T, mSv / yil \quad (2.2)$$

$R_\gamma$  ва  $R_f$  - А ва Б тоифаларида ишлайдиган гамма нурланишининг самарали дозасининг ўртача йиллик ва фон қиймати;  $E_2$  - ички нурланишнинг эквивалент самарали дозаси;

$$E_2 = 2,29 \cdot 10^{-10} (S_r - S_{rf}) \cdot T, mSV / yil \quad (2.3)$$

ҳисобга олган ҳолда ички нурланишнинг самарали дозаси;  $S_r$  ва  $S_{rf}$  - узок муддатли алфа ядроларининг ўртача йиллик харажатлари ва қиёсий фаолияти;  $E_3$  - ички нурланишнинг самарали дозаси

$$E_3 = 3,18 \cdot 10^{-2} T ((S_1 - R_1 \cdot S_2) - (1 - R_1) \cdot S_3), mSv / yil \quad (2.4)$$

$S_1$   $S_2$  ва  $S_3$  - атмосфера ҳавосидаги корхона биносида ўртача йиллик жами, ўзига хос алфа - фаолият ва алфа - нуклидларнинг умумий фон қиймати;  $R_1$  - текширилаётган объектда шамол тезлигининг 3м/с гача бўлган эҳтимоли;  $T$  - йил давомида нурланиш вақти;  $E_4$  - ичимлик сувининг фаоллиги туфайли олинган ички нурланишнинг самарали дозаси. Навоий вилоятида йиллик самарали дозанинг қиймати йилига 20 мSv/ yil дан ошмайди.

$$E_4 = m \cdot A_{sol} \quad (2.5)$$

$E_5$  - ишчи худудидаги тупроқ наъмуналарининг таркибидаги табиий радионуклидларнинг самарали солиштирма фаоллиги  $A_{sam.sol.faoI} (Bq/kg)$

$$A_{sam.sol.faoI} = 0,09 * A_{K40} + A_{Ra226} + 1,31A_{Th232} (Bq/kg) \quad (2.6)$$

3 - жадвалда кузатув пунктларида ва саноат корхоналарининг аҳоли пунктларида бажарилган дозиметрик ўлчов натижалари келтирилган.

3 - жадвал

**Кузатув пунктларида ва саноат корхоналарининг аҳоли пунктларида ўтказилган дозиметрик ўлчов натижалари**

Т/р	Ўлчовлар сони	ЭДҚ, ( $\mu Zв/ч$ )		УЯН, ( $мБқ/м$ ) <sup>3</sup>		ЭМХФ, ( $Бқ/м$ ) <sup>3</sup>		Йиллик самарали доз, $мЗв/йил$
		Белгиланган қиймат						
		мин	мах	мин	мах	мин	мах	
1.	15	0,19	0,67	2.2	3.8	5	24	1.21 - 8.43
2.	23	0,18	0,64	2.1	2.8	2.1	18	2.10 - 7.17
3.	17	0,16	0,36	1,2	2.4	4.0	14	0,53 - 5,36
4.	21	0,18	0,63	3.2	4.4	4.0	23	1.43 - 6.34
5.	18	0,16	0,56	2.2	3.7	5.0	23	1.42 - 6.31
6.	14	0,18	0,63	1,8	2,3	7	30	1,14 - 7,3
7.	12	0,16	0,64	2,1	2,4	3,4	24	1,22 - 8,4
8.	20	0,17	0,36	1,6	2,1	8	32	1,51 - 9,4

Йиллик самарали дозани аниқлаш мақсадида кейинги йилларда радиация билан ифлосланган саноат корхоналари мутахассисларининг мониторинги ишчиларнинг йиллик самарали дозасини минималлаштириш усулларини танлаш ва ишчиларни ўз вақтида алмаштириш имконини берди ва бунинг натижасида ишчи ходимларга таъсир қилувчи энг хавфли ишлаб чиқариш радиацион омиллари йиллик эффектив доза қувватининг таъсирини 8-10% га камайтириш имконини берган. Йиллар давомида такрорий кузатишлар натижасида 30 дан ортиқ кузатув пунктларида ва нурланиш манбасидан турли масофаларда таъсир қилиш дозаси тезлигининг қиймати аниқланди. Йиллик самарали доза турли кузатиш нуқталарида таъсир қилиш дозаси тезлигини, узоқ умр кўрадиган алфа - нуклидларнинг 100 қийматидан ортиқ радоннинг ҳажмли фаоллигининг мувозанат қийматини ўлчаш асосида ҳисоблаб чиқилган.

**“Тоғ-кон саноати соҳасида атроф - муҳит экологик мониторинги методологик асосларини тадқиқ этишнинг экспериментал ва амалий натижалари”** деб номланган учинчи бобда тоғ-кон саноатидаги портлаш хавфи учун турли хил газ оқимларининг "критик" нисбатларини ва портлаш хавфини камайтиришни баҳолаш, кон - саноат худуди атмосферасининг ер усти қатлами ифлосланишини математик модели ишлаб чиқилди ва мониторинг қилиш натижалари, уран техноген объектларида радиэкологик омиллар ва уларни аниқлаш усуллари, атроф муҳитга радиэкологик таъсирни камайтириш бўйича ишлаб чиқилган усуллар, сирт сувларининг радионуклид ифлосланишини прогнозлашнинг экспериментал - статистик моделлари келтирилган.

Кон атмосферасига турли газларнинг "критик" нисбати бўлиши керак, бу ўз навбатида шахта атмосферасини минимал даражада "портловчи бўлмаган" ҳолатда сақланиши илмий исботланди.

$$\begin{cases} \cos(\angle CPD) = \frac{CP^2 + PD^2 - CD^2}{2 * CP * PD} \\ \cos(\angle CPA) = \frac{CP^2 + PA^2 - AC^2}{2 * CP * PD} \\ \frac{V_{\text{хаво}}}{\sin(\angle CPD)} = \frac{V_{CH_4}}{\sin(\angle CPA)} \\ \cos(\angle BPD) = \frac{BP^2 + PD^2 - BD^2}{2 * BP * PD} \\ \cos(\angle APB) = \frac{AP^2 + PB^2 - AB^2}{2 * AP * PB} \\ \frac{V_{\text{хаво}}}{\sin(\angle BPD)} = \frac{V_{CH_4}}{\sin(\angle APB)} \end{cases} \quad (3.1)$$

$$\begin{cases} \cos(\angle CPD) = \frac{CP^2 + PD^2 - CD^2}{2 * CP * PD} \\ \cos(\angle CPA) = \frac{CP^2 + PA^2 - AC^2}{2 * CP * PD} \\ \frac{V_{\text{хаво}}}{\sin(\angle CPD)} = \frac{V_{CH_4}}{\sin(\angle CPA)} \\ \cos(\angle BPD) = \frac{BP^2 + PD^2 - BD^2}{2 * BP * PD} \\ \cos(\angle APB) = \frac{AP^2 + PB^2 - AB^2}{2 * AP * PB} \\ \frac{V_{\text{хаво}}}{\sin(\angle BPD)} = \frac{V_{CH_4}}{\sin(\angle APB)} \end{cases} \quad (3.2)$$

"Критик" муносабатни математик тарзда ифодалаш мумкин  $V_{\text{хаво}}/ V_{CH_4}$  нисбатини юқоридаги тенгламалар тизими ёрдамида олиш мумкин. Кўпроқ метан қўшиш ёки ҳаво миқдорини камайтириш орқали газ нуқтаси портловчи учбурчак томон ҳаракатланаётганда атмосфера портловчи бўлиб қолади. Вақтни ҳисоблаш учун қуйидаги усуллардан фойдаланилди:

Газ "нуқтасининг силжиши аниқланган йўналиш": Газ нуқтаси метан ва тоза ҳаво оқими тезлигига боғлиқ бўлган "аниқ йўналиш" бўйлаб ҳаракат қилганлиги сабабли, биринчи навбатда, фақат метан ва тоза ҳаво таъсирини ҳисобга олган ҳолда газ нуқтаси ҳаракат йўналишларини режалаштириш мумкин.

$$C_A \frac{V_{CH_4} * t + V_{\text{жами}} * C}{V_{CH_4} * t + V_{\text{жами}}} \quad (3.3)$$

$$C_B \frac{0.21 * V_{\text{хаво}} * t + V_{\text{жами}} * O}{0.21 * V_{\text{хаво}} * t + V_{\text{жами}}} \quad (3.4)$$

Кесишиш нуқтасини аниқлаганда, "Ҳаракат йўналиши" чизиғини кенгайтириб, тоғ-кон шахта атмосферасининг портловчи учбурчак билан кесишиш нуқтасини олишимиз, шунга кўра, "Портловчи моддалар" нинг координатасини ўқишимиз мумкин бўлади. Тахминий вақт, бунда юқоридаги қўлланилган чиқиш усул яна қайта қўлланилиши мумкинлиги ва қуйидаги тенглама асосида татқиқ қилинди.

$$C_{\text{портловчи}} \frac{V_{CH_4} * t_{\text{керак}} + V_{\text{жами}} * C}{V_{CH_4} * t_{\text{керак}} * V_{\text{жами}} + V_{\text{хаво}} + t_{\text{керак}}} \quad (3.5)$$

$$t_{\text{керак}} \frac{V_{\text{жами}} * C_{\text{портловчи}} - V_{\text{жами}} * C}{V_{CH_4} - V_{CH_4} * C_{\text{портловчи}} - V_{\text{хаво}} * C_{\text{портловчи}}} \quad (3.6)$$

$$O_{\text{портловчи}} \frac{0.21 * V_{\text{хаво}} * t_{\text{керак}} + V_{\text{жами}} * O}{0.21 * V_{\text{хаво}} * t_{\text{керак}} * V_{\text{жами}} + V_{CH_4} + t_{\text{керак}}} \quad (3.7)$$

$$t_{\text{керак}} \frac{V_{\text{жами}} * O_{\text{портловчи}} - V_{\text{жами}} * O}{0.21 * V_{\text{хаво}} - 0.21 * V_{\text{хаво}} + O_{\text{портловчи}} - V_{CH_4} * O_{\text{портловчи}}} \quad (3.8)$$


$$N_{\text{портловчи}} \frac{V_{N_2} * t_{\text{керак}} + V_{\text{жами}} * N}{V_{N_2} * t_{\text{керак}} * V_{\text{жами}} + V_{N_{CH_4}} + t_{\text{керак}}} \quad (3.9)$$

$$N_{\text{портловчи}} = 100 - C_{\text{портловчи}} - O_{\text{портловчи}} \quad \text{ва} \quad N = 100 - C - O \quad (3.10)$$

$$T_{\text{керак}} = \frac{V_{\text{жами}} * N_{\text{портловчи}} - V_{\text{жами}} * N}{V_{N_4} - V_{N_2} * N_{\text{портловчи}} + V_{CH_4} + N_{\text{портловчи}}} \quad (3.11)$$



$$\tan(\theta) \frac{V_{N_2}}{V_{N_{CH_4}}} = \frac{P_{CH_4} P_{портловчи}}{PP_{портловчи}} \quad (3.11)$$



б - расм. Газ нуктаси портловчи учбурчакни қисқа йўл билан тарк этиши ҳолати диаграммаси.

Бу нисбат сақланиб қолинса, энг қисқа вақтдан фойдаланиб, газ нуктаси портловчи учбурчакдан шу тарзда чиқиши мумкинлигига ишонч ҳосил қилиши мумкинлиги ўрганилди. Кимёвий ва физик жараёнларда ифлосланган атмосфера ҳавосининг сифатига таъсир қилувчи барча омилларни математик ва рақамли усуллар ёрдамида моделлаштириш мумкин. Ҳавонинг хусусиятлари билан боғлиқ ҳар қандай моделларни ишлаб чиқиш учун моддаларнинг экотизимга тарқалишига таъсир қилувчи физик ва кимёвий жараёнларни у ёки бу тарзда симуляция қилиш учун умумий математик ва йиғинди усуллари қўлланилади. Умумий диффузия тенгламасининг аналитик ва сонли ҳисоб - китобларига асосланган моделларини зарарли моддаларнинг вақт бўйича фазода оммалашини баҳолаш ёки башорат қилиш учун қўллаш ҳамда уларни атмосфера дисперсияси моделлари деб ҳам аташ мумкин. Бу ҳаво сифатини бошқариш тизими учун энг зарур бўлган атмосфера дисперсияси моделидир, чунки бу модел ҳаво чиқиндиларини кузатиб боради, уларнинг тарқалишини башорат қилади ва яхшироқ моделларни ишлаб чиқади. Моделларни ишлаб чиқиш зарурати атроф - муҳит сифатини таҳлил қилиш имконини беради.

$$P_i^2 = \sum_{i=1}^N \left( \frac{y_i - x_i^{(1)}}{\sigma_i^{(1)}} \right)^2 \quad x_i = \frac{\sum_j^n x_j}{n} \quad (3.1)$$

бу ерда  $y_i$   $x_j$   $n$  - ҳолати, элементлар сони; модданинг концентрацияси.

Қум зарраларининг ер юзасига яқин атмосферада тарқалиш ва кўчиш қонуниятларини ўрганиш учун маҳаллий чўлланиш ва тоғ-кондан чанг чиқиндиларини ҳисобга олган ҳолда ҳаво ва чанг билан боғлиқ оқимларнинг математик тавсифи ишлаб чиқилган. Очиқ атмосферадаги ҳаво оқимини тасвирлаш учун сиқилмайдиган суюқлик учун уч ўлчамли стационар Навиер - Стокес тенгламалари қабул қилинган. Моделлаштириш натижалари ва тарқалиш модели асосида оптик тарқалиш ва чангнинг заифлашув хусусиятларини олиш мумкин. Аралаш чанг билан ифлосланган сирт

атмосферасининг ўтказиш хусусиятларини ўрганиш учун тенгламани ечишда дискрет ордината усули қўлланилди.

$$\frac{\partial u}{\partial t} + u \frac{\partial u}{\partial x} + \mathcal{G} \frac{\partial u}{\partial y} + w \frac{\partial u}{\partial z} = -\frac{1}{\rho} \frac{\partial p}{\partial x} + \frac{\eta_h}{\rho} \left( \frac{\partial^2 u}{\partial x^2} + \frac{\partial^2 u}{\partial y^2} \right) + \frac{1}{\rho} \frac{\partial}{\partial z} \left( \eta_s \frac{\partial u}{\partial z} \right) \quad (3.2)$$

